

Савол: Шариатимизга кўра нималарнинг савдоси дуруст бўлмайди?

Жавоб: Куйидаги нарсаларнинг савдоси дуруст бўлмайди:

- харом бўлган ва истеъмоли такикланган нарсалар – кон, харом ўлган хайвон гўшти, хамр, чўчка ва унинг гўшти каби нарсалар савдоси;
- савдоси дуруст молнинг дуруст бўлмаган молга кўшиб сотиш, масалан, халол сўйилган мол гўштини харом ўлган мол гўштига кўшиб сотиш (иккисининг хам савдоси бузук бўлади);
- халол молни харом мол эвазига сотиш ёки айрбошлаш, масалан, газмол бериб, арок олмок ёки аксинча;
- сувдаги баликни, осмонда учиб юрган парранда ва кушларни тутиб олмай, тоддаги ўтинни териб-тўпламасдан илгари сотиш;
- савдо килинганда харидорга топширишга кодир бўлмаган нарсаларни сотиш, масалан, тутиб ховузга ташлаб кўйилган балик каби;
- харидорга берганда ўзи зарап кўрадиган нарсаларни сотиш, масалан, уйининг хари, тўсинларини;
- алданмок эҳтимоли бор нарсаларни сотиш, масалан, она корнидаги болани;
- аник бўлмаганидан жанжалга сабаб бўладиган нарсаларни, кўй устидаги жунни сотиш;
- дараҳтдаги мевани ундан узиб куритилган мевага чамалаб сотиш;
- одам аъзоларини, масалан, сочи, сути каби;
- харом ўлган мол ва кўйларнинг терисини ошламай (хўлини кеткизмай) сотиш;
- сотган нарсасини пулини тўламай, сотган нархидан арzonга сотиб олиш;
- савдо такозо килмаган, аммо сотувчи ё олувчидан бирига фойдали бўлган шарт билан сотиш мумкин эмас.

"Динда саволим бор" китобидан